

## ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА КЛАСТЕР ХЎЖАЛИГИНИНГ АҲАМИЯТИ

**Шохрух Шеркулов Эркин ўғли**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Фундаментал иқтисодиёт кафедраси ассистент ўқитувчи.

E-mail: [sherkulovshokhrukh@gmail.com](mailto:sherkulovshokhrukh@gmail.com)

**Аннотация.** Барқарор иқтисодий ўсиш учун замин яратувчи ва минтақанинг стратегик мақсадларини амалга оширишга хизмат қилувчи инновацияларни ривожлантириш мамлакат иқтисодий ривожланишининг муҳим шартидир. Ушбу мақолада турли мамлакатларда кластер сиёсатини давлат даражасида амалга ошириш бўйича хорижий тажриба ёритилган. Худуд иқтисодиётини ривожлантириш мақсадида инновацион кластерларни давлат томонидан бошқаришнинг турли моделлари таҳлил қилинмоқда. АҚШ, Канада, Германия, Австрия, Франция, Буюк Британия, Италия, Финляндия, Япония каби мамлакатлар тажрибаси таҳлил қилинган. Ҳар бир мамлакат учун кластер ёндашуви, функциялари, асосий дастаклари, афзалликлари ва камчиликлари ҳақида қисқача маълумот берилган.

**Калит сўзлар:** кластер, инновациялар, кластер ёндошуви, инновацион фаолият.

## THE IMPORTANCE OF CLUSTER ECONOMY IN THE DEVELOPMENT OF INNOVATIVE ECONOMY

**Abstract:** The development of innovations that create the ground for sustainable economic growth and serve the implementation of strategic goals of the region is an important condition for the country's economic development. This article covers the foreign experience of implementing the cluster policy at the state level in different

countries. In order to develop the economy of the region, various models of state management of innovative clusters are being analyzed.

The experience of countries such as USA, Canada, Germany, Austria, France, Great Britain, Italy, Finland, Japan was analyzed. A summary of the cluster approach, functions, key levers, advantages and disadvantages is provided for each country.

**Keywords:** cluster, innovation, cluster approach, innovation activity.

Ўзбекистонда қулай инвестициявий муҳит яратилиб, чет еллик сармоядорлар ҳуқуқларининг қонуний кафолати мустаҳкамлангани, уларга қўшимча имтиёзлар берилаётгани ишбилармон доиралар фаолиятини рағбатлантирувчи омил бўлмоқда.

Кейинги йилларда олиб борилаётган оқилона ислоҳотлар самараси натижасида, ижтимоий-иқтисодий барқарорлик таъминланиши, бу ўз навбатида ҳорижлик инвесторларнинг мамлакатимизга қизиқишини янада кучайтирмоқда. Натижада дунёга машҳур кўплаб йирик компанияларнинг инвестициявий фаолияти кенгайиб, иқтисодиётнинг турли соҳаларида самарали иш олиб борилмоқда.

Фан ва таълимнинг ишлаб чиқариш билан уйғунлиги барча соҳаларда тараққиётни таъминлайди. Бу борада табиийки, фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг интеграцияси муҳим ва долзарб вазифа. Бу еса ўз-ўзидан инновацион кластерга йўл очади. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 2017-йил 10-11-март ва 2018-йил 16-17-феврал кунлари халқ билан мулоқот қилиш ҳамда жойларда амалга оширилаётган ислоҳотлар билан танишиб, Бухоро вилоятига ташрифлари чоғидаги “Пахта ва тўқимачилик кластери” лойиҳасини ташкил етишни олға сурдилар. Унда Ўзбекистонда кластер тизими асосида ишлаб чиқаришни ташкил етишнинг илмий асослари кўрсатиб берилган. Кластерларни шакллантиришдан мақсад – шаҳар, туман ва вилоят ичида жойлашган бир хил соҳа корхоналарини ва улар билан ягона технологик занжирда бўлган таълим, илмий, инжиниринг, консалтинг, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва бошқа хизматларни уйғунлаштириш – инновацион

ишлаб чиқаришни ташкил этиш асосида рақобатбардош товарлар яратишга йўналтиришдан иборатдир.

Бугунги кунга келиб инновацион кластер – фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси мезони экани аён бўлиб қолди. Айни кунларда Республикамизнинг деярли барча вилоятлари ўз катта – кичик кластерларига ега. Барча соҳаларда кластер тизимини яратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади, аслида, таълим тизимига тушадиган система бу кластер системасидир – деди, Тошкент тўқимачилик ва йенгил саноат институти ректори Комилова Холида Ҳафизовна. Дарҳақиқат, бу борада институтда ҳам кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Маълумот ўрнида айтиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Тошкент тўқимачилик ва йенгил саноат институти ҳузурида Корея Республикаси Ҳукуматининг беғараз кўмагини жалб этган ҳолда Ўқув-амалий тўқимачилик технопаркини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2759-сон қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги муассислигида Тошкент тўқимачилик ва йенгил саноат институти ҳузурида Ўқув-амалий тўқимачилик технопарки ташкил етилди. Бўяш-пардошлаш, Тикув-трикотаж, Дизайн йўналиши бўйича замонавий дизайн талаблари ва дунё мода йўналиши, Ўзбекистоннинг иқлим шароитлари ва миллий менталитетни ҳисобга олган ҳолда тикув буюмларини истиқболли моделлаштиришни ташкил этиш, маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, рақобатбардош кийим моделларини яратиш, буюртмалар портфелини шакллантириш, турли ассортиментдаги ва расмий, корпоратив ва маиший кийимларга лойиҳа-конструкторлик ва норматив-техник ҳужжатларни лойиҳалаш ва ишлаб чиқиш, ҳозирги замон экологик дизайн талабларига мос 3Д форматда лойиҳалашнинг автоматлаштирилган тизимларини қўллаб замонавий либосларни яратиш соҳасидаги илмий-тадқиқотларни ўтказишдан изланишлар олиб борилмоқда. Технопаркни барпо этиш учун Корея Республикаси Ҳукуматининг 15 млн АҚСҲ долларлик беғараз кўмагини жалб этган ҳолда амалга оширилди. Технопаркнинг асосий вазифалари этиб, талаба ва ёш олимларни тўқимачилик,

тикув-трикотаж, бўйаш-пардозлаш ва дизайнерлик соҳаларида амалий илмий-тадқиқотлар олиб боришни ташкиллаштириш, кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш ҳамда ушбу йўналишларда инновацион хизмат кўрсатиш вазифалари белгиланган.

Бугунги кунда Республикамизда жами 134 та пахта-тўқимачилик кластерлари ташкил этилган ва ўз навбатида 1 034 223га майдонни эгаллаган.

Кластер усули кенг маънода бўлиб, кўпгина соҳалар ушбу усулдан ўз йўналишларидан келиб чиқиб фойдаланишади. Бир қатор корхонларнинг фаолият тизими ҳам ушбу йўналиш билан боғлиқ. Жумладан, “Бухоро пахта тўқимачилик кластери” Ўзбекистон-Буюк Британия қўшма корхонаси Ромитан вилояти “Бухоро пахта тўқимачилик” қишлоқ хўжалиги кластерида йетиштирилган пахтадан маҳаллий пахта тозалаш заводида олинган толани чуқур қайта ишлайди. Кўп тармоқли корхона кластер тизимининг бутун жараёнини - пахтани йетиштиришдан тортиб то чуқур қайта ишлашгача олиб борган ноёб объект ҳисобланади.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантиришга қаратилган 17 та Президент ва ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Уларнинг самараси ўлароқ сўнгги уч йил ичида тўқимачилик соҳасида ишлаб чиқариш деярли икки баробар кўпайди ва пахта толасини қайта ишлаш ҳажми 2016 йилдаги 410 минг тоннадан 2019 йилда 760 минг тоннагача, маҳсулот экспорти қиймати 2 миллиард долларгача ошди.

Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати корхоналарида ишловчилар сони 160 мингдан 250 минг кишига кўпайди.

Ҳар йили мавжуд корхоналарни кенгайтириш ва янги қувватларни ишга тушириш ҳисобига қўшимча янги иш ўринлари яратилмоқда, шу жумладан ишчи кучи кўп бўлган ҳудудларда йилига 15 мингдан ортиқ киши иш билан таъминланмоқда.

Соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар доирасида тўқимачилик саноатида пахта-тўқимачилик кластерларни ташкил этиш ва пахта толасини



чуқур қайта ишлаш евазига юқори нафлиликка эга бўлган маҳсулотлар ҳажмини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Маълумки, Ўзбекистонда кластер сиёсатини қўллаш бўйича шу кунгача кўпгина ишлар амалга ошириб келинмоқда. Албатта, хорижий мамлакатлар тажрибасидан фойдаланган ҳолда қуйидаги жиҳатларга эътибор беришни тавсия этамиз:

1) Мамлакат иқтисодиётнинг ҳар бир соҳалари аро алоқаларни кучайтириш;

2) Ахборот ва технологик соҳаларни ташкил этиш ва ривожлантириш;

3) Илмий ишланмаларни амалий жиҳатдан иқтисодиётга тадбиқ этиш;

4) Илмий тадқиқот ишларини рағбатлантириш мақсадида давлат томонидан ташкил этиладиган илмий грантларни кўпайтириш;

5) Кластерларни шакллантириш ва ривожлантириш жараёнида маҳаллий аҳолини фикр мулоҳазаларини инобатга олиш.

6) Ҳудудларда кластерни жорий қилиш ҳудудда комплекс ривожланиши учун хизмат қилиши нуқтаи назаридан демографик ислохотлар амалга ошириш.

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев айтганларидек, яратиладиган кластер инновацияга кўмаклашувчи муҳим восита бўлиб, иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш ҳамда замонавий корхоналарнинг кўпайишига мустаҳкам замин яратади. Пировардида саноат маҳсулотлари тайёрлаш ҳажми ортиб, экспорт салмоғи кўпаяди, шунингдек, ишлаб чиқариш ва савдо муносабатлари такомиллашуви ҳисобига катта иқтисодий самара келтиради.

Юртбошимиз ҳозирги кунда миллий иқтисодиётимизни “Кластер усули” да ривожлантириш бўйича қўйган мақсад ва режасига асосланган ҳолда, худди шу усул билан олий таълим муассасалари ва бошқа ўқув юртларида “Рақобатбардош кадр тайёрлаш кластери” ташкил этиш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Ташкил этилган учрашувда ҳамкоркорликда илмий-техник кенгашлар ташкил этиб, бунда институт профессор-ўқитувчиларининг ҳам иштирокини таъминлаш, уларни кластер

корхоналарида 6 ойлик амалиёт ошириш масалаларини ташкил етиш, тажриба ошириш муҳокама қилинди. Хулоса қилиб айтганда, Ватанимизни дунёнинг илғор давлатлари қаторидан жой олишининг йўли — бу аграр соҳада, илм-фанда, таълим тизимида ва бошқа соҳаларда кластер тизимларининг жорий етилиши ҳисобланади. Шундай экан, ҳар инсон, ҳар бир корхона вакили, ўз ишининг мутахассиси бўлмоғи учун унга чин юракдан меҳр қўймоғи лозимдир.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 2, март-апрел, 2021 йил
2. Кластер ҳамкорлиги бўйича Европа платформаси расмий веб сайти маълумоти. URL: <https://www.clustercollaboration.eu>.
3. Murtazo Rakhmatov. Cotton-textile Cluster-locomotive of the economic development (2021).
4. Эеремаа Р. Кластер тизимларини лойиҳалашнинг умумий назарияси ва уларнинг рақамли кўринишларини топиш алгоритмлари: ТДУ Ҳисоблаш маркази материаллари.--Тарту, 1978 йил.
5. <https://uzptk.uz/clusters/>
6. <https://stat.uz/>

